

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/31.03.2021.Tar.05.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЛИМОВ ЖАҲОНГИР БЎРИБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**  
**ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ (1917–2020 йиллар)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstracts of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Олимов Жаҳонгир Бўрибоевич**

Ўзбекистонда ўрмон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи  
(1917–2020 йиллар.) ..... 3

**Олимов Жаҳонгир Бурибоевич**

История формирования и развития лесного хозяйства в Узбекистане  
(1917-2020 гг.)..... 25

**Olimov Jakhongir Buriboyevich**

History of formation and development of forestry in Uzbekistan  
(1917–2020 years) ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/31.03.2021.Tar.05.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЛИМОВ ЖАҲОНГИР БЎРИБОЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**  
**ВА РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ (1917–2020 йиллар)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhDTag/954 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эшов Баходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Комилов Ойбек Камилович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Tag.05.05 рақами илмий Кенгашнинг 2022 йил "09" сентябр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, Фарғона давлат университети, Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази, 1-кават, мажлислар зали. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz), Фарғона давлат университети).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. АРМ биноси). Тел.: (99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил "26" август куни тарқатилди.  
(2022 йил "25" август даги 11 рақами реестр баённомаси билан).



**Б.А.Усмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш раиси, т.ф.ф.д. (DSc), профессор

**Н.О.Алимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш котиби, т.ф.ф.д. (PhD), доцент

**Р.А.Арслонзода**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
Кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.н., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда муҳим геосиёсий ўринга эга минтақаларининг табиий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўтмиши ҳозирги замон тарих фанидаги энг асосий тадқиқот объектларидан бири ҳисобланмоқда. Дунё ҳамжамияти олдида атмосфера ҳавоси ва сув ресурсларининг ифлосланиши, захарли саноат чиқиндиларининг тўпланиши, чучук сув танқислиги, саҳроланиш, чўлланиш муаммоларининг кўпайиши, тупроқ шўрланишининг ортиши, дарахтзор ва ўсимлик турлари мажмуалари биологик маҳсулдорлигининг пасайиши каби долзарб масалалар ечимини топиш вазифаси турибди. Жумладан, БМТ томонидан 2011 йилни “Халқаро ўрмонлар йили” деб эълон қилиниши бутун дунё миқёсида ўрмонларни сақлаш ва ривожлантиришга муҳим стратегик вазифа сифатида қаратилаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда дунёнинг бир қатор етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий тадқиқот институтларида ўрмон хўжалиги тарихи йўналишида салмоқли илмий ишлар қилинмоқда ва соҳа ривожига доир янгича ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Шунингдек, аҳоли сонининг ўсиши, фан ва техника тараққиёти, инсон эҳтиёжларининг тобора ортиши оқибатида ер юзида қатор экологик муаммолар юзага келмоқда. Шу боисдан, ҳозирги кунда экологиянинг бузилиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш, соҳага доир илмий билимларни янада чуқурлаштириш, уни замонавийлик ва тарихийлик нуқтаи-назаридан ўрганиш зарур вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистонда табиатнинг ажралмас қисми бўлган ўрмон хўжаликлари асраб авайлаш, ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, халқимизнинг бу борадаги тарихи, маданияти, анъаналарини ўрганиш, мавжуд тажрибадан унумли фойдаланиш муҳим вазифа сифатида белгиланмоқда. Зеро, Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”<sup>1</sup>. Бу эса Ўзбекистон ҳудудида ўрмон хўжалигининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши тарихи бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб боришни долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майда ПФ-5041-сон “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 23 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 29.

тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрмон хўжалиги тарихи тўғрисида экология, табиатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган адабиёт ҳамда тадқиқотларда маълумотлар келтирилган. Диссертацияда мазкур тадқиқотлар ҳудудий ва даврий тамойилларга кўра, 3 гуруҳга ажратиб таҳлил этилди:

- 1) совет даврида эълон қилинган илмий ишлар;
- 2) мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар;
- 3) хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар.

Совет даврида яратилган адабиёт ва тадқиқотларни ҳам мазмунига қараб айрим гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, И.Шеглов, Л.Корженевский, А.Мамедов, Ҳ.С.Юсупов, Л.А.Алибеков, З.Акрамов, А.Рафиков тадқиқотлари ва илмий ишларида халқ хўжалиги тизимида ўрмон хўжалигининг ўрни, ўрмон фонди, ўрмон ресурслари ёритилган<sup>2</sup>. Ўзбекистон ўрмон хўжалигини авайлаб-асраш ва унда юзага келадиган муаммоларини ўрганишга қаратилган махсус монографик аспектдаги ишларга Г.Кумзуллаев, М.Қориев, Е.А.Бутиков<sup>3</sup> каби олимларнинг асарларини киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда Ўзбекистондаги ўрмонлар, кўриқхоналар, улардаги табиат олами, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳолати, янги ўрмонларни барпо этиш ва уларнинг sanoat соҳасидаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

---

<sup>2</sup> Шеглов И. Лесоустройство в Узбекистане и его значение в народном хозяйстве. – Ташкент, 1932; Корженевский Л. Средняя Азия. Краткий физико-географический очерк. – Ташкент, 1941; Бюллетень Узбекского научно-исследовательского лесного института. – Ташкент, 1948; Информационный листок. Министерство лесного хозяйства Узбекской ССР. – Ташкент, 1953; Агролесомелиорация и лесное хозяйство Узбекистана. – Ташкент, 1954; Основные проблемы развития производительных сил Ферганской долины. Том второй. – Ташкент: Академия наук Узбекской ССР, 1954; Ученые записки научно-исследовательского института лесного хозяйства выпуск I. – Ташкент, 1959; Труды Среднеазиатского института лесного хозяйства (выпуск X). – Ташкент: Узбекистан, 1965; Мамедов А. Русские ученые и развитие ирригации Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1965; Труды Среднеазиатского института лесного хозяйства (выпуск X). – Ташкент: Узбекистан, 1965; Юсупов Ҳ.С. Среднеазиатский научно-исследовательский институт лесного хозяйства за 25 лет // Труды среднеазиатского научно-исследовательского института лесного хозяйства. Выпуск X (к 25-летию института). – Ташкент, 1966. Средняя Азия. Академия наук Узбекской ССР институт географии. – Ташкент: Наука, 1968; Алибеков Л.А. Щедрость пустыни. – Москва: Мысль, 1988; Акрамов З., Рафиков А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. – Ташкент: Мехнат, 1990 ва б.

<sup>3</sup> Кумзуллаев Г. Ихота дарахтларини диагонал-группалаб экиш / Қарши чўли хўжаликларида ихота дарахтзорларини барпо қилиш тажрибасидан. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1968; Ўша муаллиф. Ихота дарахтзорлари барпо этиш / Қарши чўли тажрибаларидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969; Қориев М. Ўзбекистон ўрмонлари ва кўриқхоналари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972; Бутиков Б.А. Ўрта Осиё кўчатзорларида ўрмон дарахтлари кўчатлари етиштириш тажрибаси. – Тошкент: УзНИИНТИ, 1979.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон олимларининг экологик назоратнинг илмий-назарий масалаларига бағишланган бир қанча дарслик, қўлланма<sup>4</sup> ва тадқиқотлар<sup>5</sup> ҳамда илмий мақолалари<sup>6</sup> нашр этилган. Уларда ўрмонларни кўпайтириш, тозалаш мақсадида кесиш, янги ниҳолларни экиш технологияси ва бошқа масалалар ёритилган бўлса-да, ўрмончилик тарихи ҳақида жуда кам маълумотлар берилган. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасида экологияни бошқаришда давлатларнинг ўрни, интеграция алоқалари таҳлил қилинган.

Шунингдек, мустақиллик йилларида ўрмон хўжалиги тарихига бағишланган қатор монографиялар ҳам чоп этилган<sup>7</sup>. Аммо ушбу

---

<sup>4</sup> Леса Средней Азии. Узбекская академия сельскохозяйственных наук. – Ташкент, 1992; Экология лесное хозяйство Средней Азии. Узбекская академия сельскохозяйственных наук. – Ташкент, 1992; Нурмихамедов Б. У. Обоснование формы и параметров кожуха фрезерного почвообрабатывающего орудия для зоны хлопководства. – Ташкент, 1993; Кабулов С.. Фитомелиорация осушенной части Аральского моря. – Нукус: Билим, 1999; Xonazarov A.A., Ergashev S.F., Yo'ldoshev Y.H. O'rmon yetishtirish texnologiyasi: kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Ташкент: Ilm ziyo, 2005; Qumzullayev G'Q. O'rmon xo'jaligi korxonalarini ishini tashkil etish, rejalashtirish va boshqarish: kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Ташкент: Ilm ziyo, 2005; Xonazarov A.A., Yejak R.I., Shaburyan S.S. va boshq. O'rmon xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish: kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Ташкент: Ilm ziyo, 2005; Ўзбекистон шароитида ўрмонларни парвариш қилиш, соғломлаштириш ва қайта тиклаш мақсадида кесиш бўйича қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси. Масъул муҳаррир Эргашев С. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2005; Хоназаров А. Ўрмон фонди. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 10-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2005; Ўша муаллиф. Ўрмон ресурслари. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 10-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2005; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда ихота (химоя) ўрмонзорларини барпо қилиш бўйича қўлланма / Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази. – Тошкент, 2007; Усмонов Д. Дунёнинг ғаройиб дарахтлари. – Тошкент: Фан, 2007; Юсупов Ш.Т. Ўзбекистон ўрмон хўжалиги тарихи ва бугуни. 1-китоб. – Тошкент: – Янги аср авлоди, 2007; Джалолов С.Ч., Мирзаева М.С, Мирзаев С.С. Атроф-мухит ва ресурслар иктисоди. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТИМИ., 2009, ва б.

<sup>5</sup> Исмагилов И.А. Фитомелиорация эродированных пастбищ горно-лесного пояса Чаткальского хребта. Дис. ... канд. с.-х наук; УзНИИ лесн. хоз-ва. – Ташкент, 1999; Куламетов А.Р. Размножение можжевельника Зеравшанского черенкованием. Дис. ...канд. с.-х наук. УзНИИ лесного хозяйства. – Ташкент, 1999; Лим В.П. Охрана живой природы на территории Узбекистана (Возникновение, развитие и современное состояние на примере лесных, рыбных и охотничье-промысловых ресурсов). Дисс. докт. биолог. наук. – Ташкент, 2002; Рахимова Г.С. XX аср 50–90 йилларида Фарғона водийси саноат ривожининг экологик ҳолатга таъсири. Фалсафа доктори (PhD) дис автореф. – Тошкент, 2018. Давлетов С. XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. Кабулов Э. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019; Аллаберганов Ш. Ўзбекистонда атроф-мухит муҳофазаси тарихи (1991–2018 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. авторефер – Тошкент, 2019 ва б.

<sup>6</sup> Джабборова М., Саримсоков Э. Ўгом-Чотқол давлат миллий боғи ва у ерда тарқалган доривор *Astragalus L.* Туркуми турлари // Экологический вестник. №9, 2009. – Б. 43-44.; Нуридуллаев А. Ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш ва муофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати. // Экологический вестник. №1, 2008. – Б. 24-25; Скрипников Н. Совершенствование лесного законодательства Республики Узбекистан. // Экологический вестник. №1, 2010. – С.15-19; Шагнахметова Г. Ўзбекистон республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар. // Экологический вестник. №1, 2010. – Б. 7-8.; Лим В., Ан Э. Охрана биоразнообразия в заповедниках и национальном парке системы главного управления лесного хозяйства Республики Узбекистан (подходы и обобщению опыта). // Экологический вестник. №1, 2010. – С.9-14.

<sup>7</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова. – Тошкент: Шарқ, 2000.; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865 – 1990 й.). Лойиха раҳбари ва масъул муҳаррир: Д.Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000; Мустақил Ўзбекистон тарихи. Масъул муҳаррир: Собиров А. – Тошкент: Академия, 2013; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккита китоб. Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Рахимов М., Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019 ва б.

тадқиқотларда танланган мавзу бўйича маълумотлар жуда кам келтирилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мавзунинг ўрганилишида хорижий тадқиқотчиларнинг асарлари ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, улар томонидан Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги экологик вазият, ўрмонларнинг ҳолати ва бошқа масалалар ўрганиб чиқилган ҳамда таҳлил этилган<sup>8</sup>. Шу ўринда қайд этиш керакки, тадқиқотларда фақатгина баъзи ўрмон хўжаликларининг раҳбарлари, кўриқхоналарнинг ҳозирги аҳволи ҳақидаги айрим маълумотларни учратиш мумкин, холос.

Хулоса қилиб айтганда, совет даври ва мустақиллик йилларида кўплаб олимлар томонидан Ўзбекистон ўрмон хўжалиги фонди, ресурслари, уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар, дарахтларни экиш технологияси, уларнинг тупроқ коррозиясининг олдини олишдаги ўрни, экологияни сақлашдаги аҳамияти, шамолни ва кўчма қумларни тўхтатишдаги вазифалари ҳамда ҳайвонот, ўсимлик оламини сақлашдаги аҳамиятига бағишланган асарлар яратилди. Аммо тарих фанида Ўзбекистон ўрмон хўжалиги тарихи ҳозирга қадар яхлит тарзда, махсус объект сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг илмий тадқиқот ишлар режасидан ўрин олган И-ОТ-2019-26 “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси тўғрисида мультимедиа комплексини яратиш” грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** совет даври ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрмон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида кечган жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилишидан сўнг ўрмон хўжаликларининг ташкил этилиши жараёнини ўрганиш;

---

<sup>8</sup> Колданов В. Я. Очерки истории советского лесного хозяйства. – Москва: Экология, 1992; Управленческая информация и моделирование, дистанционное считывание и географическая информационная система для реестра тропических лесов. Индонезии; Sagl, Wolfgang. Organisation von Forstbetrieben: Grundlagen, Organisation, Führung, Analyse / Wolfgang Sagl. – Hamburg, Berlin: Parey, 1993. 205-p. - ISBN 3-490-07716-4; Леса будущего. Население, потребление и лесные ресурсы. The road from Rio: moving forward in forestry. - Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 1994. 32-p. - ISBN 92-5-103587-3; Дорога из Рио ведет в лесные массивы. Tropical Forests Action Programme Stocktaking, 1994; Основные направления законов в лесном хозяйстве Европы и Африки; Albania: forest and forest products country profile. - New York, Geneva: United Nations, 1994. 42-p. - ISBN 92-1-116591-1; Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 1994. –33 p; Data management and modelling using remote sensing and GIS for tropical forest land inventory: proceedings of the FIMP-INTAG International Conference. Jakarta, Indonesia / Ed.by Yves Laumonier a.o. – Jakarta: Rodeo Intern. Publ., 1999. 582-p. - ISBN 979-95696-0-5; Албания. Лес и лесопроductы. Краткий очерк по стране. Gardner-Outlaw, Tom. Forest Futures: population, consumption and wood resources / Tom Gardner-Outlaw, Robert Engleman. – Washington: Population Action International, 1999. 68-p. - ISBN 1-889735-04-3; Программа переучета тропических лесов. State on the World's forests 1999; Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 1999. 154-p. - ISBN 92-5-104193-8; Cirelli, M. T. Trends in forestry law in Europe and Africa / M.T. Cirelli, F. Schmithusen, J. Texier, T. Young. - Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 2001. 147-p. - ISBN 92-5-104686-7; Состояние лесов в мире. Машинский В.Л. Зеленый фонд - составная часть природы. Городские леса и лесопарки. Основные принципы организации. – Москва: Спутник, 2006 ва б.

Ўзбекистон ўрмон хўжалигининг тармоқлари ва уларнинг халқ хўжалигидаги ўрнини тадқиқ этиш;

урушдан кейинги даврда Ўзбекистон ўрмон хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар ва у билан боғлиқ давлат сиёсатини очиб бериш;

Ўзбекистон худудида кўрикхоналарнинг ташкил этилиши ва фаолиятини таҳлил этиш;

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар ва халқаро алоқаларнинг йўлга қўйилишини ёритиб бериш;

ўрмон хўжалиги соҳаларининг республика саноатини ривожлантиришдаги ролини очиб бериш;

республикадаги экологик вазиятни яхшилашда ўрмон хўжалигининг ўрнини кўрсатиш.

**Тадқиқот объекти сифатида** совет даври ва мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрмон хўжалиklarининг фаолияти тарихи танланган.

**Тадқиқот предмети сифатида** Ўзбекистон худудида ўрмон хўжалиklarининг ташкил этилиши, уларнинг республика экологик ҳолатини яхшилаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш борасидаги иштироки, соҳанинг ривожланиши каби масалалар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, объективлик тамойиллари ҳамда тизимли қиёсий таҳлил, муаммоли ва фанлараро ёндашув каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Советлар бошқарувининг дастлабки даврида колхоз ва совхозларга ўрмонларни кесишга буйруқ бериш ваколатини маҳаллий ҳукумат ихтиёрига берилиши Ўзбекистон ССР худудидаги ўрмон фонди майдонларининг сезиларли камайишига олиб келгани архив ҳужжатлари асосида далилланган;

XX асрнинг 60-70 йилларида республика миқёсида қишлоқ хўжалиги ерларни кўпайтириш учун кўрик ерларўзлаштирилиб, ўрмонларга катта зарар етказилиши, уларни қайта тиклаш ва ўрмонларни муҳофаза қилишга етарли даражада аҳамият берилмаганлиги оқибатида республикада сув, иқлим ва ўсимликлар сингари экотизимларнинг таназзулга учраганлиги исботланган;

мустақилликнинг илк йилларида ўрмон хўжалиklари фаолияти молиялаштиришда узилишлар кузатилгани, соҳани ривожлантиришга етарли даражада аҳамият берилмагани оқибатида республика ўрмонлари, флора ва фаунасига зарар етказилиб, “Миллий кўрикхона”лар ва “Миллий табиат боғлар”и ва овчилик хўжалиklаридаги экологик мувозанат меъёрларининг бузилишига олиб келганлиги аниқланган;

сўнгги йилларда республикадаги ўрмон хўжалиklари фаолиятига эътиборнинг кучайтирилиши, ўрмон фонди ерларининг умумий майдони оширилиши натижасида, ушбу соҳа иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлангани, айна жараёнда доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш, экотуризмни ривожлантириш, хўжаликда экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳамият берилгани ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ютуқларга эришилгани кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ўрмончилик соҳаси тарихи, шунингдек, унинг Ўзбекистон саноатини ривожлантириш, республикадаги экологик ҳолатни яхшилаш, мавжуд кўриқхоналар фаолиятига оид Ўзбекистон Миллий архиви, Фарғона, Наманган ва Андижон давлат архивлари фондларидан ўрин олган материаллари илк марта илмий муомалага киритилган;

Ўзбекистонда ўрмон хўжалиги тарихининг шаклланиши, ривожланиши босқичлари, соҳага оид муаммолар, уларни ҳал қилиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар билан боғлиқ фактик маълумотлар тизимлаштирилиб, Ўзбекистондаги ўрмон хўжалиги соҳасини янада ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари ҳамда адабиётлардан фойдаланилгани, уларнинг аксарияти бирламчи манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** совет тузуми даври ҳамда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрмончилик соҳасининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ ўзгаришларнинг тарихий-сиёсий жараёнлар контекстида кўрсатиб берилганлиги, объективлик тамойилига таяниб, тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ёритилгани боис улардан мазкур муаммога оид илмий-назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг натижаларидан Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид илмий ишларда, олий ўқув юрти талабалари, хусусан, қишлоқ хўжалиги мутахассисликлари йўналишлари учун ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда, академик лицей, касб-хунар мактаблари ва техникумларда маъруза ҳамда махсус курсларни ўқитишда, семинарлар ҳамда соҳа тарихи музей фондини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ўрмон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Советлар бошқарувининг дастлабки даврида колхоз ва совхозларга ўрмонларни кесишга буйруқ бериш ваколатини маҳаллий ҳукумат ихтиёрига берилиши Ўзбекистон ССР ҳудудидаги ўрмон фонди майдонларининг сезиларли камайишига олиб келганлигига оид илмий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги марказий давлат аппарати ва тизим ташкилотлари ходимларининг кўп йиллик фаолиятини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 25 мартдаги 05/21-1394 сонли маълумотномаси). Тадқиқотда Ўзбекистонда ўрмон хўжалигининг ҳолати, мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган ўзгаришлар, сўнгги йилларда республикада ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар тарихий манбалар асосида очиқ берилган бўлиб, ушбу

маълумотлар бугунги кун ёшларига илм-фанини тарғиб қилиш, уларни мазкур йўналишдаги билимлари ва тасаввурларини оширишга хизмат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ўрмон хўжалигининг халқ хўжалигини мустақамлашга қўшгангани, XX асрнинг 60-70 йилларида эса республика миқёсида қишлоқ хўжалиги ерларни кўпайтириш учун кўрик ерларни ўзлаштирилиб, ўрмонларга катта зарар етказилиши, уларни қайта тиклаш ва ўрмонларни муҳофаза қилишга етарли даражада аҳамият берилмагани оқибатида республикада сув, иқлим ва ўсимликлар сингари экосистемаларнинг деградацияга учраганлигига доир маълумотлардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг “Фарғона Ўзбекистон гавҳари”, “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон” мавзусидаги бўлим экспозицияларини шакллантиришда фойдаланилган (Маданият Вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 01-12-01-1088-сон маълумотномаси). Натижада музейга тақдим этилган маълумотлар унинг фондини бойитишга, бу ерга ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистон ўрмон хўжалиги тарихига оид янги маълумотларни олиши ҳамда тарихий тафаккурини янада ўстириш имкони яратилган;

мустақилликнинг илк йиллари ўрмон хўжаликлари фаолияти молиялаштиришда узилишлар кузатилганлиги, соҳани ривожлантиришга етарли даражада аҳамият берилмагани оқибатида республика ўрмонлари флора ва фаунасига зарар етказилиб, “Миллий кўрикхона”лар ва “Миллий табиат боғлари” ва овчилик хўжаликларидаги экологик мувозанат меъёрларининг бузилишига олиб келганлигига оид илмий натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини тузиш ва тайёрлашда фойдаланилган (2021 йил 9 апрелдаги 02-40-531 сонли далолатномаси). Кўрсатувда “Ўзбекистон ўрмон хўжалиги”даги таркибий ўзгаришлар ҳамда республикадаги экологик вазиятни яхшилашда ўрмон хўжаликларининг ўрни ва роли масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу муаммоларнинг таҳлил этилиши ёшлар онгида табиатни асраб-авайлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги билим ва савияларини кучайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 10 та, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 3 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 134 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, усуллари, мақсади ва вазифалари аниқланган, илмий янгилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, нашр этилган ишлар апробацияси бўйича маълумотлар рўйхати, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон худудида ўрмон хўжаликларининг ташкил қилиниши ва халқ хўжалигидаги ўрни (1917-1945 йиллар)”** деб номланган биринчи бобида Туркистонда совет ҳукуматининг ўрнатилиши ва ўрмон хўжаликларининг ташкил этилиши ҳамда 1925-1945 йиллар оралиғида “Ўзбекистон ўрмон хўжалиги” тармоқларининг фаолияти ва уларнинг халқ хўжалигидаги ўрни каби масалалар тадқиқ этилган.

Россияда амалга оширилган тўнтариш оқибатида 1917 йил октябрь ойида ҳокимият большевиклар қўлига ўтгач, Туркистонда ҳам советлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Ўлка иқтисодий ҳаётида бошланган ўзгаришлар ўрмон хўжалигига ҳам ўз таъсирини ўткази бошлади. Хусусан, 1917 йил декабрда Туркистон ўлкасининг Ер ишлари халқ комиссарлиги хизматчилари съезди чақирилди. Унда ўрмонларни муҳофаза қилиш масаласи кўтарилди<sup>9</sup>. 1918 йили Россияда “Ўрмонлар тўғрисида”ги<sup>10</sup> асосий қонун қабул қилинди. Унга асосан барча турдаги ўрмонларнинг давлат мулки сифатидаги мақоми белгиланди, ўрмонларда мавжуд бўлган ҳар қандай кўринишдаги мулкларга нисбатан давлат назорати ўрнатилди. Лекин Россия империяси билан Туркистон ўртасидаги ўрмон хўжалиги шароити бир-биридан шу қадар фарқ қилардики, уни ўлкада амалга ошириш қийин масала эди<sup>11</sup>. Чунки, Туркистондаги ўрмонлар алоҳида массивларда, тарқоқ ҳолда тоғ ёнбағирларида, дарё қирғоқларида ва чўлларда тарқалган эди. Уларни кўпроқ ёқилғи ўрнида ишлатиш мумкин бўлган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Туркистонда ўрмон дарахтлари ва бутазорларни ўрмон фонди таркибига киритилиши билан 1918 йилда ўрмон хўжалигида ўзгаришлар юз берди. Марказ томонидан ўрмонларни қаттиқ назоратда ушлаш, уларнинг талон-тарож қилиниши олдини олиш мақсадида, бу масалаларга эътибор юзасидан чекка жойлардаги тегишли ташкилотларга ҳам кўрсатмалар берилди. Айни жараёнларда ўлкада мавжуд бўлган ўрмонларнинг фонди, ундан қишлоқ хўжалиги учун ишлатилаётган маҳсулотлар, ўрмон хўжалигидан келаётган даромад манбалари назоратга олина бошлади<sup>12</sup>. Лекин бу даврда иқтисодий қийинчиликларнинг мавжудлиги сабабли ўрмон хўжалигини ҳимоя қилиш ўрмон дачалари

<sup>9</sup> ЎзМА, 182-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 64-69-варақлар.

<sup>10</sup> Роговцева И. Становление и развитие отечественного лесного законодательства. Магистрская диссертация. – Томск, 2016. – С. 40.

<sup>11</sup> ЎзМА, 182-фонд, 1-рўйхат, 133-иш, 32-варақ.

<sup>12</sup> Колданов В. Я. Очерки истории советского лесного хозяйства. - Москва: Экология, 1992. – С. 12.

майдонларини аниқлаш билан чегараланган, холос. Ўрмонларга бўлган бундай муносабат оқибатида Туркистон ўрмон хўжалиги жуда катта зарар кўрди. Саксовулзорларнинг кўпи йўқ қилинди.

Бу даврда ўрмон хўжалиги соҳасида олиб борилган ўзгаришлар, бир томондан, 1919 йилда ҳарбий жиҳатдан ўрмонларни қўриқлаш орқали уларни сақлаб қолишга бўлган интилишда намоён бўлди. Иккинчи томондан, Ўрта Осиёдаги ўрмонлардан ёқилғи маҳсулоти сифатида фойдаланиш масаласи қонунийлаштирилди. Ҳатто “Ёқилғи маҳсулотларини тайёрлаш ва етказиб бериш тўғрисида” (1919 йил 19 майда) фармойиш қабул қилинди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1919 йилда темир йўллар учун Ўзбекистондаги ўрмонзорлардан 20 миллион дона саксовул фойдаланиш учун олинган<sup>13</sup>.

1920 йилда ўрмонларни муҳофаза қилувчи қоровуллар 400 кишидан иборат бўлиб, бу 1915 йилга нисбатан 42 фоиз камроқ эди<sup>14</sup>. Мана шу йилларда ўлкада сунъий жиҳатдан ўрмонларни кўпайтиришга бўлган интилиш кучайди. Туркистонда биринчи марта 1920 йил 2 июлда “Ўрмонлар тўғрисида” деб номланган қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 1-моддасида қуйидагилар ёзилган эди: “Туркистон Республикасида жойлашган барча ўрмонлар, жумладан, хусусий одамларга ёки турли жамиятларга тегишли ўрмонларнинг барчаси Туркистон Республикаси халқ мулки ҳисобланади”<sup>15</sup>.

“РСФСР Ўрмон кодекси” 1923 йилда қабул қилинди<sup>16</sup>. Унда ўрмон хўжалиги борасидаги кўплаб масалаларга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қонуний изоҳ берилди. Шунингдек, ўрмонлардаги вазиятни ўрганиш, уларни сақлаш, ёнғинларни олдини олиш, у ерда мавжуд бойликларни ноқонуний равишда ўзлаштириш, дарахтларни кесиш ва уларга зарар етказилишини бартараф этиш мақсадида ҳудудда доимий фаолият юритадиган ходимлар бириктирилди. Бироқ, амалга оширилган ишлар ҳар доим ҳам кутилган натижани бермаган. Жумладан, Туркистондаги ўрмон хўжалиги ташкилотларида маблағнинг етишмаслиги, ходимлар сонининг камлиги сабабли бундай тадбирларни амалга ошириш жуда қийин бўлган.

Маълумотларда келтирилишича, 1923 йилда Туркистонда 16 та ўрмон бўлими (лесничество) мавжуд бўлиб, унда 36 та ўрмон дачаси – жами 642,3 минг гектарни ташкил этган. 1924 йил 22 апрелда Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан “Ўрмонларни муҳофаза қилиш ҳақида” кўрсатма қабул қилинди<sup>17</sup>. Ушбу кўрсатма асосида ўрмонларни ўғри ва талончилардан қўриқлаш, дарахтларни кесиб кетиш, ёнғинлар, ноқонуний овчилардан ҳимоя қилиш ишлари кучайтирилди.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши оқибатида 1924 йил охири – 1925 йил бошларида Ўзбекистон ССР ташкил

<sup>13</sup> ЎзМА, 182-фонд, 1-рўйхат, 133-иш, 34-варақ.

<sup>14</sup> ЎзМА, 394-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 69-варақ.

<sup>15</sup> ЎзМА, 182-фонд, 1-рўйхат, 1а-иш, 20-варақ.

<sup>16</sup> О введении в действие Лесного Кодекса, принятого II сессией X созыва 7 июля 1923 года (вместе с «Лесным Кодексом Р.С.Ф.С.Р.»): Постановление ВЦИК от 25.07.1923 // СУ РСФСР. 1923. № 58. Ст. 564.

<sup>17</sup> ЎзМА, 182-фонд, 1-рўйхат, 433-иш, 14-варақ.

этилганидан<sup>18</sup> сўнг, ўлкадаги ўрмон хўжаликлари ҳам республикаларнинг географик чегарасига қараб тақсимланди. Лекин, Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейинги илк йилларда ўрмон хўжалигига тегишли масалаларга етарли даражада эътибор қаратилмади. Айни пайтда ўрмонлар билан боғлиқ ишлар “Тошкент ўрмон хўжалиги”нинг собиқ дачаларида, тоғ арча ўрмонларида амалга оширилган<sup>19</sup>. Статистик маълумотларда кўрсатилишича, 1926 йилда Ўзбекистондаги ўрмонлар майдони 29 520 319 десятина<sup>20</sup> бўлган. Улардан “Республика ўрмон бошқаруви”га тегишли 11 776 000 десятина ўрмон бўлган. Қолган ўрмон майдонлари – паст бўйли дарахтлар, кучсиз саксовуллар, бутазорлар чорва молларини боқиш учун мўлжалланган эди<sup>21</sup>.

Ўрмон хўжалигини бошқариш билан 1930 йилгача Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлиги шуғулланган. 1930 йилдан иттифоқдаги барча ўрмонларнинг назорати Совет Иттифоқи Халқ хўжалиги Олий Кенгашига берилди. Шу йилдан “Ўрмон хўжалиги бошқармаси” номи “Узагролес” деб юритила бошлади.

1932 йилда СССР Ўрмон хўжалиги саноати халқ комиссарлиги ташкил этилди. Унга давлат ўрмон хўжалиги фондидаги соҳа ва тармоқларни бошқариш, хўжалик юритиш билан боғлиқ кўрсатмаларнинг ижросини таъминлаш, иттифоқ аҳамиятига эга бўлган ўрмон хўжалиги фондига қарашли ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан, дарахтларга ишлов бериш ташкилотларини, қоғоз ва соҳа билан боғлиқ кимёвий корхоналарни (мебель жиҳозларини ишлаб чиқариш корхоналари ва б.) бошқариш вазифалари юклатилди<sup>22</sup>.

Бу даврда ўрмон хўжаликларига эътиборнинг кучайтирилиши натижасида ХХ асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда 32 та ўрмон хўжалиги ташкил топди. 1935 йилга келиб Самарқанд, Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларида ўрмон хўжаликлари вужудга келди. Умуман олганда 1925 йилдан 1945 йилгача 13 000 гектар атрофида янги ўрмонзорлар барпо қилинган.

Хуллас, Ўзбекистон ССРнинг турли жойларида ўрмон хўжаликларининг ташкил этилиши, йилдан-йилга уларнинг кўпайтириб борилиши республика миқёсида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ўзгаришлар билан боғланиб кетган эди. Қишлоқ хўжалигида ўтказилган коллективлаштириш сиёсатининг ўтказилиши жараёнида республикада мавжуд бўлган барча ўрмонзорлар устидан давлат назорати ўрнатилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистон ўрмон хўжалигининг аҳволи (1946–1991 йиллар)**” деб номланиб, ушбу бобда урушдан кейинги даврда Ўзбекистон ўрмон

<sup>18</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Рахимов М., Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 312.

<sup>19</sup> Щеглов И. Лесоустройство в Узбекистане и его значение в народном хозяйстве. – Ташкент, 1932. – С. 47.

<sup>20</sup> Десятина – метрик ўлчов тизими қабул қилинганга қадар Россияда қўлланилган асосий юза ўлчови. 2400 кв. саржин (1,09 га) га тенг.

<sup>21</sup> ЎзМА, 182-фонд, 1-рўйхат, 267-иш, 7-8-варак

<sup>22</sup> Положение о Народном комиссариате лесной промышленности: Постановление ЦИК СССР, СНК СССР от 17.09.1932 // СЗ СССР. 1932. № 71. Ст. 437.

хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар ва у билан боғлиқ давлат сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида кўриқхоналарнинг ташкил этилиши ва фаолияти ёритиб берилган.

Иккинчи жаҳон уруши туганидан сўнг, урушнинг оғир оқибатлари ва бунга қўшимча Марказ яккахуқмронлигининг тобора кучайиб бориши халқ хўжалигининг барча тармоқларига салбий таъсир кўрсата бошлади. Айни ҳолат биринчи навбатда саноат учун хомашё, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган муҳим тармоқ қишлоқ хўжалигига тааллуқли эди. Бироқ, урушдан кейинги дастлабки йилларда республика олдида қўйилган тинч ҳаётга ўтиш вазифалари бажарилди. Жумладан, корхоналарнинг асосий қисми тинчлик даври учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтди, ушбу шароитга ўтиш билан боғлиқ бўлган масалалар қисман ҳал қилинди<sup>23</sup>.

Халқ хўжалигига эътиборни кучайтириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар доирасида ўрмон хўжалигида ҳам бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, 1946 йилда Иттифоқ Олий Совети томонидан “Ўрта Осиёни ўрмонлаштириш тўғрисида” қарор чиқарилиб, биргина Фарғона водийси ўрмон хўжалигига 80 000 гектар ерни ўрмонлаштириш вазифаси юклатилди. Ўша пайтда Шохимардон-Турбат ерлари 7,5 минг гектарни ташкил этар эди. Ёзёвон, Каптархона, Миндон, Қорасув, Қоровултепа, Оқбиллол хўжаликларининг умумий майдони 2 200 гектардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси Фарғона ўрмон хўжалигининг таркибига киритилган эди<sup>24</sup>.

Совет тузуми давридаги ўрмон хўжалиги тарихини ўрганиш ўша йилларда мазкур соҳада қандай масалалар долзарб бўлганлигини кузатиш имконини беради. Хусусан, Ўзбекистон ССР КП (б) Марказий Комитети ва Ўзбекистон Министрлар Совети томонидан 1947 йил 3 декабрда “Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги ва ўрмон мелиорацияси соҳасидаги ишларни кучайтириш тўғрисида”<sup>25</sup>ги қарори қабул қилинади. Бу ҳужжатда “...Ўзбекистонда ўрмон фондларини ташкил қилиш ишларини тезроқ ривожлантириш ва ўрмон мелиорацияси тадбирларини кенг суръатларда амалга ошириш зарурлиги” кўрсатиб ўтилади. Қарорда кўрсатилган вазифаларнинг амалий натижасини таъминлаш мақсадида шу йилнинг 20 декабрида Тошкент вилояти Паркент ва Оҳангарон районлари ҳудудида умумий майдони 22 000 гектарга тенг тоғ-ўрмон кўриқхонаси ташкил этилган эди<sup>26</sup>.

Республикадаги ўрмонларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар давомида Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1953 йил 3 ноябрдаги 1821- сонли қарорига биноан

<sup>23</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет муштамлақчилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 505.

<sup>24</sup> Бутиков Е.А. Ўрта Осиё кўчатзорларида ўрмон дарахтлари кўчатлари етиштириш тажрибаси. – Тошкент: УзНИИТИ, 1979. – Б. 54.

<sup>25</sup> Андижон вилояти давлат архиви, 639-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варак.

<sup>26</sup> ЎзМА, 837-фонд, 33-рўйхат, 2653-иш, 5-варак.

шу йилнинг ноябрь ойи охиригача тут ва бошқа дарахтларнинг 63 932,96 минг дона ниҳоли ўтқазилган эди<sup>27</sup>.

Ўрмон хўжалиги 1953-1990 йилларда турли номлар билан фаолият кўрсатган. Хусусан, 1969 йил Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошида “Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бош бошқармаси” ташкил этилди. 1990 йилда ушбу бошқарма номи “Ўзбекистон Давлат ўрмон комитети” деб ўзгартирилди.

Тадқиқ этилаётган йилларда республика ўрмон хўжаликлари фаолиятида бир қатор камчиликлар ҳам кузатилган. Масалан, Андижон областлараро ўрмон хўжалигида ишчилар томонидан меҳнат интизомини бузиш ҳолатлари, камомад аниқланган<sup>28</sup>. Бухоро ўрмон хўжалигида эса раҳбар ходимларнинг қоида бузиш ҳолатлари оқибатида (1968 йил) иккита жиноий иш қўзғатилиб, судга оширилган (етказилган зарарни қоплаш учун давлат ҳисобига 1480 рубль пул ундирилган)<sup>29</sup>.

Кўриқхона – бу табиатда кам учрайдиган ва ноёб ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар парвариш қилинадиган, шунингдек, жозибадор табиат ўз ҳолича сақланадиган маълум бир ҳудуддир<sup>30</sup>. Кўриқхоналарнинг ташкил этилиши ўрмонлар, умуман, табиатни асраш йўлидаги муҳим омил ҳисобланади. Кўриқхоналарнинг мавжуд бўлиши ўрмонларнинг сақланишида катта аҳамиятга эга. Маълумотларда кўрсатилишича, дунёда инсон қўли тегмаган ўрмонлар ҳам жуда кам қолган, сабаби улардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш оқибатида ер юзи қуруқлигидаги ўрмонлар майдони XX асрнинг охирида 75 дан 25 фоизгача камайган<sup>31</sup>.

Ўзбекистонда энг биринчилар қаторида юзага келган кўриқхоналардан бўлган “Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси” 1947 йилда Тошкент вилоятининг Паркент ва Бўстонлик туманларида ташкил қилинган. Ғарбий Тянь – Шань Чотқол тизма тоғларининг ғарбий ва шимолий ён бағирларида жойлашган ушбу кўриқхонанинг умумий ер майдони 35 724 гектарни ташкил қилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1948 йил 1 ноябрдаги 2112-сон қарорига, асосан, республикадаги ўрмонларни гуруҳларга бўлиш тасдиқланган<sup>32</sup>. Бу даврда Ўзбекистон Республикасида 79 та ўрмон хўжалиги корхонаси мавжуд бўлиб, булардан 47 таси ўрмон хўжалиги, 5 таси ўрмон мелиорация<sup>33</sup> станцияси, 6 таси давлат кўриқхонаси, доривор ва озуқа ўсимликлар ўстириш ва қадоқлашга ихтисослашган 8 та хўжалик бўлган. Ҳамда, 3 таси ўрмон овчилиги хўжалиги, Зомин ва Угом-Чотқол миллий

<sup>27</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 809-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 1-варак.

<sup>28</sup> Андижон вилояти давлат архиви, 639-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 176-варак.

<sup>29</sup> ЎзМА, 2684-фонд, 1-рўйхат, 156-иш, 77-варак.

<sup>30</sup> <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ogegova/63938>.

<sup>31</sup> Ҳамдамов И. Ҳ., Бобомуродов З. С., Ҳамдамова Э. И. Экология: Қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг “агрономия”, “агротупрокшунослик ва агрокимё”, “қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги”, “ўсимликлар химояси ва карантини”, “қасбий таълим” ва “қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияси” мутахассислари учун жарслик. – Тошкент, 2006. – Б. 5.

<sup>32</sup> Андижон вилояти давлат архиви 639-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 66-варак.

<sup>33</sup> Мелиорация – (лот. melioratio — яхшилаш) ерларнинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар туркуми.

истироҳат боғлари, хўжалик ҳисобидаги 11 та ўрмон участкаларидан иборат бўлган.

Республикада табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кейинги йилларда ҳам давом эттирилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан 1959 йил 19 ноябрда “Ўзбекистон ССРда табиатни кўриқлаш ҳақида”ги<sup>34</sup> Қонун қабул қилинди. Унда кўриқхоналар масаласига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Ҳақиқатдан ҳам республикадаги ўрмон хўжаликлари уларнинг давлат томонидан муҳофазаланишини талаб этар эди. Шу муносабат билан эътиборга муҳтож ҳудудлар ўрганилиб, уларни асраб-авайлаш юзасидан ҳам кўшимча қарор, кўрсатма ва буйруқлар қабул қилина бошлади. Хусусан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1971 йил 24 мартдаги 368-р сон фармойишига биноан<sup>35</sup>, “Амударёнинг ўртасида жойлашган Орол-Пайғамбар кўриқхонасини (1960 йилда ташкил этилган)<sup>36</sup> янада изчилроқ муҳофаза қилиш ҳамда бу ерда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш тўғрисида”<sup>37</sup> кўрсатмалар берилди.

Таҳлил этилаётган йилларда янги кўриқхоналарни ташкил давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1973 йил ноябрь ойидаги 530-сонли қарорига мувофиқ, республикада бир нечта кўриқхоналар барпо қилинди. Мазкур қарор ноёб турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб қолиш имконини берди. Унга кўра, Нурота, Қизилсуй, Вардонзе, Амударё, Китоб, Зарафшон ва Оқбулоқ каби бир қатор янги кўриқхоналар ташкил этилган<sup>38</sup>. Ушбу қарор асосида кейинги йилларда республикада яна қатор кўриқхоналар ташкил этилди<sup>39</sup>. Бу кўриқхоналарнинг ташкил этилишидан асосий мақсад – нодир турларни тиклаш ва илмий тадқиқот базасини шакллантиришдан иборат бўлган.

Ҳақиқатдан ҳам, бу даврга келиб республика миқёсида кўриқхоналарни фаолиятини яхшилашга эътибор кучайди. Хусусан, 1983 йил 8 сентябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан “Ўзбекистон ССРда кўриқхоналар ишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Шу пайтда республикада 12 та кўриқхона ва Бухоро вилоятида махсус кўриқхона хўжалиги мавжуд бўлган<sup>40</sup>. Қарорда белгиланган вазифаларни бажарилиши давомида уларнинг худудини кенгайтириш, махсус объектлар қуриш, флора ва фаунани асраб-авайлаш масалаларига эътибор қаратилди. Лекин, белгиланган ишлар маблағнинг етишмаслиги, пахта экиладиган ерларнинг кенгайтирилиши каби сабабларга кўра, қарорлар амалда деярли бажарилмади.

<sup>34</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 809-фонд, 2-рўйхат, 13-иш, 15-16-варақлар.

<sup>35</sup> ЎзМА, 837-фонд, 41-рўйхат, 2244-иш, 220-варақ.

<sup>36</sup> ЎзМА, 2684-фонд, 1-рўйхат, 319-иш, 35-варақ.

<sup>37</sup> ЎзМА, 837-фонд, 41-рўйхат, 2219-иш, 136-варақ.

<sup>38</sup> ЎзМА, 837-фонд, 41-рўйхат, 2933-иш, 218-варақ.

<sup>39</sup> Нурота “Ёнғоклисой” давлат Кўриқхонаси, Зарафшон давлат кўриқхонаси, Китоб давлат кўриқхонаси, Хисор давлат кўриқхонаси ва бошқалар.

<sup>40</sup> ЎзМА, 837-фонд, 41-рўйхат, 6008-иш, 57-58-варақлар.

Келтирилган маълумотларни оғзаки тарих манбалари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 1987 йилда Қўқон давлат ўрмон хўжалиги бошлиғи лавозимида ишлаган Мансурхўжа Хўжаев “1980 йилларнинг охирларига республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юзага келган инқирозли вазият ўрмон хўжалигига ҳам таъсир қилди. Бу пайтда республика миқёсида пахта якка хоқимлигини янада жадаллаштиришга қаратилган сиёсат оқибатида кўплаб ўрмонзорлар тугатилиб, экин майдонларига айлантирилган эди”<sup>41</sup>, - деб қайд этади.

Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўрмон хўжалиги билан боғлиқ муҳим ҳужжат қабул қилинди. Жумладан, республика ўрмон хўжаликларини фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ўрмонларга тегишли ҳудудлардан оқилона фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон ССР Президентининг 1991 йил 12 февралдаги Фармони эълон қилинди. Унга асосан, “Узбеклес” иттифоқ-республика ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси “Ўзбекистон ССР Давлат ўрмон комитети”га айлантирилди<sup>42</sup>. Ушбу фармоннинг аҳамиятли томони шундаки, ўрмон хўжаликлари республика ихтиёрига ўтказилиб, унинг устидан республика ҳукуматининг назорати ўрнатилди.

Хуллас, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардан мустақилликка қадар республика ўрмон хўжалигининг бошқарув тизими ва фаолиятида ўзгаришлар амалга оширилиб, Ўзбекистонда қатор янги ўрмон хўжаликлари ва тоғ-ўрмон кўриқхоналари ташкил этилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрмон хўжалигининг ривожланиши ва миллий иқтисодиётни юксалтиришдаги ўрни”** деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар, унинг республика саноатини ривожлантиришдаги роли, ҳудуддаги экологик вазиятни яхшилашда ўрмон хўжалигининг ўрни каби масалалар тадқиқ этилган.

